

Маиший истеъмолчилар (оилавий корхоналар) учун электр таъминотининг намунавий шартномаси

20__ йил “__” _____ -сон _____
(шартнома тузилган жой)

_____ асосида фаолият юритувчи _____ раҳбари
(худудий электр тармоқлари корхонасининг номланиши)

_____ (кейинги ўринларда “Корхона”
(худудий электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан ҳамда _____
(истеъмолчи Ф.И.Ш)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади) (ҳисоб рақами)

--	--	--	--	--	--	--	--

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу Шартнома билан Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда “энергия” деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Истеъмолчи энергияни фақат маиший эҳтиёжлар учун сотиб олади. Бунда оилавий корхона энергиядан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳам фойдаланиши мумкин.

II. Етказиб берилган энергиянинг ҳисоби

2.1. Келишилган йиллик истеъмол қилинадиган энергиянинг ҳажми иловага мувофиқ ойма-ой бўлинган тарзда _____ кВт.с.

2.2. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида олган энергиянинг ҳақиқий ҳажми ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

2.3. Уй-жой, хонадон, уй хўжалиги, ёрдамчи хўжаликлар, шахсий фойдаланиладиган томорқа боғ ичидаги ҳисобга олиш асбоби, шу жумладан унга ўрнатилган пломбаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юкланади.

. Ҳисобга олиш асбоби Истеъмолчининг айби билан бузилган (*ҳисобга олиш асбобининг шикастланиши, унинг ишдан чиқиши, йўқолиши*) ёки йўқолган тақдирда ҳисобга олиш асбобини алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёслашидан ўтказиш ва ўрнатиш унинг қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун Истеъмолчи томонидан ҳақ тўланган ҳолда, Корхона томонидан амалга оширилади.

2.4. Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари зинапоя майдончаларида ўрнатилган тақдирда уларнинг сақланиши ва бутлиги учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, уй-жой тасарруфида бўлган идора ёки ташкилот жавоб беради.

Зинапоя майдончаларида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоби шикастланган ёки ўғрилган тақдирда, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва идора, ташкилот уни ўз ҳисобидан тиклаши шарт.

2.5. Истеъмолчининг ҳисобга олиш назорат қилиш асбоби қуйидаги қиёслашлардан ўтказилади:

а) вақти-вақти билан қиёслаш – ушбу турдаги ҳисобга олиш асбобининг қиёслашдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш – ҳисобга олиш асбоби ва унга ўрнатилган пломбанинг шикастланиши, қайта дастурлаш бўйича ишларни олиб бориш зарурати вужудга бўлганда;

в) эксперт қиёслаш – ҳисобга олиш асбоби созлиги, унинг фойдаланишга яроқлилиги, ҳамда метрологик жиҳатларининг норматив ҳужжатлар талабларига тегишлилиги бўйича низоли масалалар вужудга келганда.

2.6. Ҳисобга олиш асбобини вақти-вақти билан қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда ўтказилади.

2.7. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда – Бюро деб юритилади) ташаббуси билан қиёслашни ўтказиш учун ҳақни тўлаган ҳолда ўтказилади.

Ҳисобга олиш назорат қилиш асбобининг Истеъмолчи томонидан шикастланганлиги аниқланганда, қиёслашни ўтказиш учун хизматлар қиймати Истеъмолчи томонидан тўланади.

2.8. Истеъмолчининг ҳисобга олиш асбобини ечиш (демонтаж қилиш), ўрнатиш (монтаж қилиш) ва пломбалаш Бюронинг вакили билан биргаликда Корхонанинг ваколатли ходими томонидан Истеъмолчининг иштирокида далолатномани тузган ҳолда амалга оширилади.

2.9. Қиёслашни ўтказиш бўйича ишлар ҳисобга олиш асбоби ечилгандан сўнг 15 кун ичида тугатилиши керак.

2.10. Бюро вакили, гувоҳномани кўрсатган тақдирда, ҳисобга олиш асбобларини соат 8⁰⁰ дан бошлаб соат 20⁰⁰ гача тўққинликсиз текшириб кўриш ҳуқуқига эгадир.

III. Ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Маиший истеъмолчилар (аҳоли) хонадонларда, шахсий уй-жойларда, ёрдамчи хўжаликлар, шахсий фойдаланиладиган томорқа боғ объектларида, шахсий автомобиллар гаражларида маиший эҳтиёжлари учун фойдаланган электр энергияси учун тўловлар, қўлланиладиган ток қабул қилгичларнинг куввати ва ҳисобга олиш асбобларининг ўрнатилган жойидан қатъий назар, аҳоли учун белгиланган бир ставкали тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.3. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт.

3.4. Истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловлар Бюро ёки Истеъмолчининг ўзи томонидан тўлдирилган тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширилади. Бунда тўловлар қонунчилик билан белгиланган барча мавжуд усулларда (тижорат банклари ва почта бўлимлари, мобил алоқа, интернет ва х.к.) амалга оширилади.

3.5. Истеъмолчи тўлов бўйича қарздор бўлганда, ҳар бир тўлов муддати ўтган кун учун, тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

3.6. Тариф ўзгарганда тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган энергия ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари тўлов кунда ёзиб олинган деб ҳисобланади. Қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда тарифлар

ўзгаргандан кейин истеъмол қилинган электр энергияси миқдори учун янги тариф бўйича ҳақ тўланади.

3.7. Истеъмолчи, ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун энергиядан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

3.8. Энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишни автоматлаштирилган тизимига (кейинги ўринларда – ЭНХАТ) уланган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.9. Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган энергия учун ҳисоб-китоб Бюрони хабардор қилган ҳолда Корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткалик сарфи (қуввати) бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

3.10. Агар ҳисобга олиш асбобини, объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (*ўлчаиш трансформаторининг, ҳисобга олиш асбобининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли*) тиклаш имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати томонларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

3.11. Истеъмолчини электр тармоқларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисобга олиш асбоблари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.12. Амалга оширилган энергия сарф қилинишининг қайта ҳисоби Истеъмолчини Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод этмайди.

3.13. Қайта улашда Истеъмолчидан тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида тўлов ундирилади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ Корхона тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергияси олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тугалиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида Корхона ёки электр таъминоти корхонаси томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда электр таъминоти шартномасини бекор қилиш;

электр таъминоти шартномасини бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуши бўйича юқори ташкилотга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Корхона томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

мазкур шартноманинг 3-бўлимида назарда тутилган тартиб, миқдор ва муддатларда фойдаланилган электр энергияси (қуввати) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ўрнатилган тартибда Бюро ва/ёки Корхона вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

Бюро кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, приборлар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва электр қурилмаларини ишлатишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхона ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажаришни талаб қилиш;

Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Корхонага етказилган ҳақиқий зарарни ўрнатилган тартибда қоплаш;

Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда келишмасдан ва огоҳлантирмасдан Истеъмолчига электр энергиясини узатишни чеклаш;

Истеъмолчини Бюрони кўрсатмасига асосан ҳамда у ЭНҲАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмалари ҳисобга олиш асбобига эга бўлиб, олдиндан тўланган ҳақи тугаганда Корхона электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналарни, электр узатиш линияларини, электр энергияни (қувватини) ҳисобга олиш асбобларини эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек ўзларининг электр тармоғи хўжалиги объектларида носозликларни бартараф этиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;

истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

Истеъмолчининг электр энергиянинг тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузилишлари тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчининг электр энергияни ҳисобга олиш асбобининг қиёслашини ўз вақтида ўтказиш.

Корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган Корхона ушбу туфайли етказилган зарарни, Истеъмолчи эса ҳақиқий зиённи қоплаши шарт.

5.2. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан узиши ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (*форс-мажор*) унинг олдида жавобгар бўлмайди.

5.3. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келаётган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларнинг музокара ўтказиш орқали ҳал қилиниши иложи бўлмаганда улар суд тартибида ҳал қилинади.

VI. Яқунловчи шартлар

6.1. Шартнома _____ муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, агар ҳеч бир томон уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, у ҳар кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартнома амал қилиш муддатининг тугашигача бир ой олдин берилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга бўлган ва ҳар бир томонда сақланадиган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловаси унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Корхона энергияни беришда ва Истеъмолчи, уни истеъмол қилишда ва ўзаро ҳисоб-китоб қилишда мазкур шартнома ва қонунчиликка амал қиладилар.

6.4. Шартнома ижросини тугатиш ёки шартларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. Ҳисобга олиш асбоблари ҳақида маълумот

Истеъмолчининг электр қурилмалари _____ кўчадаги _____-сон
ТПдан чиқувчи 0,4 кВ _____ фидернинг _____-сон таянчига уланган.

Ҳисобга олиш асбобининг тури ва рақами _____,

“Ўзстандарт” агентлиги пломбасининг рақами _____,

Ҳисобга олиш асбоби клеммник қопқоғидаги пломбасининг рақами:

Бюро _____, Корхона _____,

Шартнома тузиш пайтидаги ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари _____,

Охирги қиёслаш санаси _____, навбатдаги қиёслаш санаси _____,

Уланган қувват _____ кВт.

КОРХОНА

ИСТЕЪМОЛЧИ

1. Номи ва манзили _____

1. Манзил _____

2. Х/р _____

2. Телефон (уй, уяли) _____

3. СТИР _____

3. Паспорт маълумотлари _____

4. ИФУТ _____

4. ПИНФЛ _____

5. Банк коди (ФПМ) _____

5 СТИР _____

6. Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

6. Кадастр рақами _____

7. Имзо _____

7. Ф.И.Ш. _____

8. Муҳр _____

8. Имзо _____

Истеъмолчи Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ва мазкур шартнома билан таништирилди ҳамда унга электр ва ёнгин ҳавфсизлиги юзасидан йўл-йўриқ берилди.

Корхона вакили

Истеъмолчи

Сана Ф.И.Ш. Имзо

Сана Ф.И.Ш. Имзо

**Маиший истеъмолчилар учун электр
таъминоти шартномасига
ИЛОВА**

Етказиб берилётган энергиянинг миқдори

Давр	Энергия, кВт.с
Йил бўйича жами Февраль Март Апрель Май Июнь Август Сентябрь Октябрь Ноябрь Декабрь	

Корхона вакили

Истеъмолчи

 Сана Ф.И.Ш. Имзо

 Сана Ф.И.Ш. Имзо